ЧЎМПОҚ — ЕТТИ ЎҒИЗ» МАЖМУАСИНИНГ ГИС-ЛАНДСШАФТ ТРИАНГУЛЯЦИЯСИ, ТАРИХИЙ-ЭТНОГРАФИК КОНЦЕПЦИЯСИ ВА МУҲОФАЗА КИЛИШ МУАММОЛАРИ

Соатов Халил Қудратович
Иқтисод фанлари номзоди,
Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Чўғуртма МФЙ
Кексалар ва фахрийлар гуруҳи раҳбари,
“Янги Ўзбекистон” маърифатпарвари танлови ғолиби.
Давлат муаллифлик ҳуқуқи сертификати: № 010553
(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Интеллектуал мулк маркази)
https://doi.org/10.5281/zenodo.21939080

Аннотация: Ушбу мақолада давлат муаллифлик ҳуқуқи сертификати № 010553 ҳамда муаллифнинг нашрга тайёрланаётган «Кўҳна Ҳузор — Кўҳна Турон юраги» номли илмий тадқиқот қўлёзмаси асосида, Кўҳна Ҳузор воҳаси Чўғуртма МФЙ ҳудудидаги «Чўмпоқ — Етти ўғиз» ва «Чуичиқ» мажмуаларининг илк бор рақамли ГИС-ландшафт триангуляцияси ва геодезик муҳофоза чегаралари эълон қилинади. Тадқиқотда 12 асрлик Муқаддас Марварид Тут (38°37'45.75"N / 66°08'45.07"E) нуқтаси лойиҳанинг "Нулинчи километри" сифатида белгиланиб, у орқали Бош Султон Мақбараси (Гўри Амирнинг асл меъморий андозаси: 38°37'40.18"N / 66°08'53.90"E) ва Гул Масжид (38°37'40.99"N / 66°08'47.07"E) объектларининг ГИС-тармоғи шакллантирилди. № 466-лаҳад марказидан топилган Сак амири микро-санами (СН-003), мовий сирли сопол чироқдон ва юқори босимли сув кубашалари мажмуаси,ва шунингдек, Қўрғонтепадан аниқланган 6 минг йиллик оқ мармар «Она ва бола» санами (Бир манзилда 7-дона санам яхлит бир) ҳудудда антик давр юнон манбаларида тилга олинган "Габза" (Gabazae) қалъаси мавжуд бўлганини ва Искандар Мақдуний қўшинлари мағлубиятга учратилганини исботлайди. Мақолада совет мафкураси (В.В. Бартольд, С.Б. Лунина) томонидан сингдирилган ва маҳаллий Барлос ҳамда Қавчин қабилаларини "келгинди" деб талқин қилган "қора тугунлар" ашёвий далиллар билан ечилиб, уларнинг автохтон (туб ерли) ворислиги тасдиқланади. Маҳаллада жойида (In-situ тамойили) "Чўғуртма Халқаро Археологик Музей-Қўриқхонаси" ва халқ назоратидаги «Олтин Дафтар» тизимини ташкил этишнинг ҳуқуқий ва сиёсий зарурати асослаб берилган. Мазкур ҳужжат Адлия вазирлигидан кенгайтирилган 2-гувоҳномани олиш ва Туркия фанлар академиясига тақдим этиш учун бош расмий асос вазифасини ўтайди.

Калит сўзлар: Кўҳна Ҳузор, Чўғуртма, Гувоҳнома № 010553, Муқаддас Марварид Тут, ... Габза, Сак амири, Амир Темур, Етти бош ўғиз туғроси, Барлос, Қавчин, Амир Ҳусайн Қавчин, In-situ тамойили, Чумпак музей-қўриқхонаси, Маданий геноцид, Олтин Дафтар.

ГИС-ЛАНДШАФТНАЯ ТРИАНГУЛЯЦИЯ, ИСТОРИКО-ЭТНОГРАФИЧЕСКАЯ КОНЦЕПЦИЯ И ПРОБЛЕМЫ ОХРАНЫ КОМПЛЕКСА «ЧУМПАК — СЕМИ ОГУЗОВ» В ДРЕВНЕМ ГУЗАРСКОМ ОАЗИСЕ

Аннотация: На основе Государственного свидетельства об авторском праве № 010553 и готовящейся к печати исследовательской рукописи автора «Кухна Хузар — сердце Древнего Турана» в статье впервые представлена цифровая ГИС-ландшафтная триангуляция и зафиксированы геодезические границы охраны древнего комплекса «Чумпок — Семи огузов» и кургана «Чуичик» (махалля Чугуртма, Гузарский район). В качестве «Нулевого километра» определены координаты векового Священного Жемчужного Тутовника (38°37'45.75"N / 66°08'45.07"E), связавшего в единую ГИС-сеть подземный склеп Главного Султана (прототип Гур-Эмира: 38°37'40.18"N / 66°08'53.90"E) и центральную мечеть Гул Масжид (38°37'40.99"N / 66°08'47.07"E). Археологический комплекс лахада № 466 (микро-статуэтка Сакского амира СН-003, кобальтовый светильник, фрагменты высокоатмосферного водопровода кубаша) и 6-тысячелетний мраморный идол «Мать и дитя» на Кургантепе доказывают геоисторическую локализацию античного центра «Габза» (Gabazae), где войска Александра Македонского потерпели стратегическое поражение. Работа срывает «черные узлы» фальсификации советской историографии (В.В. Бартольд, С.Б. Лунина), представлявшей коренные тюркские племена Барлас и Кавчин «пришлыми» в XIII веке, и утверждает их автохтонность. Обоснована правовая необходимость срочного создания «Международного археологического музея-заповедника Чумпок» на основе мирового принципа In-situ с реестром народной «Золотой Книги». Данная публикация и ГИС-матрица служат официальным основанием для защиты интеллектуальной собственности и передачи данных в Тюркологические центры Турции.

Ключевые слова: Чугуртма, Чумпок, Свидетельство № 010553, Священный Тутовник, Габза, Александр Македонский, сако-массагеты, Амир Темур, тугра семи огузов, Амир Хусайн Кавчин, Барлас, Кавчин, принцип In-situ, museum-заповедник Чумпок, Золотая Книга.

GIS-LANDSCAPE TRIANGULATION, HISTORICAL-ETHNOGRAPHIC CONCEPT, AND PRESERVATION PROBLEMS OF THE "CHUMPAK — SEVEN OGUZ" COMPLEX IN THE ANCIENT GUZAR OASIS

Abstract: Authorized by Official State Copyright Certificate No. 010553 and the author's research manuscript under preparation titled "Kukhna Khuzar — Kukhna Turon yuragi", this paper delivers the first digital GIS-landscape triangulation and establishes the definitive geodetic protection boundaries of the ancient "Chumpok — Seven Oguz" and "Chuichiq" complexes (Chugurtma, Guzar district). The 12-centuries-old Sacred Pearl Mulberry tree (38°37'45.75"N / 66°08'45.07"E) is designated as the absolute "Kilometer Zero" (Reference Datum) mapping the GIS axes of the underground Grand Sultan Mausoleum (geometric prototype of Gur-Emir: 38°37'40.18"N / 66°08'53.90"E) and the pivotal Gul Mosque (38°37'40.99"N / 66°08'47.07"E). The artifact assemblage of Tomb No. 466 (Saka Amir micro-sculpture SN-003, cobalt-glazed travel lamp, high-pressure clay

pipelines) combined with a 6,000-year-old white marble "Mother and Child" idol discovered at Kurgantepe empirically validates the geo-historical localization of the Hellenistic stronghold "Gabza" (Gabazae), where Alexander the Great's army suffered a strategic defeat. The research unravels the ideological "black knots" of Soviet historiography (Bartold, Lunina) that falsely classified the indigenous Barlas and Kavchin tribes as 13th-century foreign migrants, firmly proving their autochthonous roots. Applying global In-situ conservation standards, the paper demands the emergency founding of the "Chumpok International Archaeological Museum-Reserve" integrated with a civilian "Golden Book" registry, serving as a primary document for international registration in Turkey.

Keywords: Chugurtma, Chumpok, Copyright No. 010553, Sacred Mulberry, Gabza, Alexander the Great, Saka-Massagetae, Amir Timur, Seven Oguz Tugra, Amir Husayn Kavchin, Barlas, Kavchin, In-situ principle, Chumpok Museum-Reserve, Golden Book.

II. МАҚОЛАНИНГ АСОСИЙ МАТНИ (MAIN TEXT)

1. КИРИШ ВА МУАММОНИНГ ҚЎЙИЛИШИ

Кўҳна Ҳузор (Ғузор) воҳаси Марказий Осиё цивилизацияси ва Буюк Ипак йўлининг энг қадимги транзит тугунларидан биридир. Бироқ, XX аср евроцентрик ва совет мафкуравий тарихшунослиги (В.В. Бартольд, С.Б. Лунина) ҳамда уларнинг услубиятини давом эттираётган айрим замондош масъуллар ҳудуд тарихига сунъий «қора тугунлар» тугиб келишди. Жумладан, Амир Темур давлатининг асосий сиёсий-ҳарбий таянчи бўлган Барлос ва Қавчин қабилаларини XIII асрда мўғул истилоси билан келган «келгиндилар» деб талқин қилиш устувор бўлган.

Чўғуртма МФЙ ҳудудидаги «Чўмпоқ» («Етти ўғиз») мажмуасида олиб борилган дала-археологик (артефакт) тадқиқотлар ва ГИС-триангуляция натижалари ушбу сохта қарашларни инкор этиб, маҳаллий аҳолининг чуқур автохтон (туб ерли) илдизга эга эканлигини қатъий исботлайди. Мазкур йирик илмий кашфиёт давлат томонидан тан олинган бўлиб, № 010553-сонли муаллифлик ҳуқуқи сертификати билан ҳимояланган.

Таҳлилий таққослаш учун Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги Яҳё Ғуломов номидаги Самарқанд археология институти олими Абдусобир Райимқуловнинг «Қашқадарё воҳасининг VIII-XIV асрлар даври шаҳарлари ва тарихий топографияси» (2025) номли монографияси ҳамда ундаги «Қашқадарё воҳаси қадимий шаҳарлар ва шаҳар ёдгорликлари жойлашуви ва йўллари харитаси»дан (2-расм 434-б) унумли фойдаланилди. Бу таққослаш «Чўмпоқ — Етти ўғиз» мажмуасининг воҳа геодезик тармоғидаги ўрнини аниқлаш имконини беради.



2-расм. Қашқадарё воҳаси қадимий шаҳарлар ва шаҳар ёдгорликлари жойлашуви ва йўллари харитаси (А. Райимқулов монографиясидан).

2. СОВЕТ ЛОКАЛИЗАЦИЯСИДАГИ ХАТОЛИК ВА ТИЗИМЛИ УЗИЛИШ ТАНҚИДИ

Эски сохта қарашларга кўра (ЎзМЭ, 2009 й.), Субаҳ шаҳри шунчаки Насафдан 6 фарсах масофада, Қарши йўлидаги Ўликтепа харобаси ўрнида бўлган ва карвон йўли шу ерда тугаган деб ҳисобланган. Бу Марказий Осиё шаҳарларини атайлаб ҳудудий тарқоқ, заиф ва аҳамиятсиз қилиб кўрсатиш сиёсати эди. XX аср мафкураси Кўҳна Ҳузорнинг тарихий марказини Чўғуртмадан бошқа ҳудудларга (Эскибоғ, Субоқ, Хўжабузруквор, Мирижанда) сунъий кўчириб, асл тарихни яширган. Натижада Мусофир ота зиёратгоҳидаги Амир Ҳусайн Қавчин қабри ва қабр тошдаги **“Етти бош ўғиз-қавм туғроси”**нинг асл сиёсий-маданий аҳамияти халқ онгидан атайлаб ўчирилган ва ҳамон яшириб келинмоқда.

Ушбу тизимли мафкуравий сохта локализацияга ва тарихий узилишга муаллифнинг фундаментал тадқиқотларни ўзида жамлаган «Кўҳна Ҳузор — Кўҳна Турон юраги» (2026 й.) номли монографияси ҳамда Адлия вазирлиги томонидан муҳофозаланган № 010553-сонли давлат сертификати қатъий чек қўяди. Мазкур монографияда исботландики, Субаҳ — битта алоҳида тепалик эмас, балки Кўҳна Ҳузор (Чўғуртма сувлоти) билан яхлит занжир ташкил этган йирик маданий, ҳарбий ва иқтисодий тизимдир. VIII асрда (Муқанна қўзғолони даврида) Насаф ва Кеш ҳукмдорлари ўртасидаги қонли тўқнашувлар айнан мана шу стратегик воҳанинг (Чўғуртманинг) устидан назорат ўрнатиш учун бўлган! Локал ландшафт матрицаси илмий жиҳатдан мукаммал асослаб берилган бўлиб, унга маҳаллий даражада юзаки шубҳа билдириш ҳуқуқий жиҳатдан асоссиздир.

3. МЕТОДОЛОГИЯ ВА ГИС-ЛОКАЛ ТРИАНГУЛЯЦИЯ СЕТКАСИ

Дала тадқиқотлари давомида аниқланган объектлар халқаро археологик регламент асосида жойида («In situ») метрологик ва график фиксация қилинди.



1-расм. Дала тадқиқотлари ва қонунийлаштириш жараёни Реестр Идентификация Коди: ДТ-Баённома/01 (Тадқиқотчи Х. Соатов, маҳалла раиси Н. Бойматов ва кексалар кенгаши вакилларининг дала кундалиги ҳужжатларини «In situ» расмийлаштириш жараёни тасвири).

Мажмуанинг муҳофоза чегарасини белгиловчи мукаммал рақамли ГИС-координаталар сеткаси (Triangulation Defense Ring) қуйидагича аниқланди:

- **1-Қўрғон (Ғарбий мудофаа қаноти):** 38°37'52.10"N / 66°08'31.40"E
- **2-Қўрғон (Геодезик тикланган нуқта):** 38°37'58.15"N / 66°08'36.75"E
- **3-Қўрғон (Шимолий-ғарб қаноти):** 38°38'04.20"N / 66°08'42.15"E
- **4-Қўрғон (Шимолий transit нуқтаси):** 38°38'11.50"N / 66°08'58.30"E
- **5-Қўрғон (Шарқий дарвоза қаноти):** 38°37'59.80"N / 66°09'14.60"E
- **6-Қўрғон (Жанубий-шарқ муҳофазаси):** 38°37'41.20"N / 66°09'02.10"E
- **7-Қўрғон (Жанубий асосий қалъа сектори):** 38°37'33.40"N / 66°08'49.80"E
- **Ташқи муҳофоза нуқталари оқими:** Сичқонтепа (38°38'59.65"N / 66°08'07.51"E), Нозин мома (38°38'13.28"N / 66°07'36.82"E), Шотиртепа (38°35'36.60"N / 66°12'10.07"E).

Лойиҳанинг **"Нулинчи километри"** (Absolute Reference Point) сифатида 12 асрлик Муқаддас Марварид Тут жойлашган **38°37'45.75"N / 66°08'45.07"E** координатаси белгиланди. Ушбу марказий ўқ **«Муқаддас Чўғуртма учбурчаги»** лойиҳаси доирасида қуйидаги икки глобал объектни ГИС-триангуляция асосида яхлит тармоққа боғлайди:

1. **Бош Султон Мақбараси ва Ер ости даҳмаси: (38°37'40.18"N / 66°08'53.90"E)** — Самарқанддаги Гўри Амир мақбарасининг асл меъморий ва геометрик андозаси (прототипи) ҳисобланувчи, усти тупроқ билан яширилган улкан султонлик мажмуаси.

2. **Гул Масжид (Хўжа Абуллайс масжиди): (38°37'40.99"N / 66°08'47.07"E)** — Қурғошин йўли чорраҳасидаги бош обида бўлиб, унинг шимолий қанотида совет мафкураси томонидан вайрон этилган ва тарихдан ўчирилган Оловидинхон масжиди харобалари мавжуд.

3.2. «ЧЎМПОҚ» (ЕТТИ ЎҒИЗ) ВА «ЧУИЧИҚ» РАҚАМЛИ ГИС МАНЗИЛ ЧИЗМАСИ



ЧИЗМА № 3.1: «ЧЎМПОҚ» (ЕТТИ ЎҒИЗ) ВА «ЧУИЧИҚ» РАҚАМЛИ ГИС МАНЗИЛ ЧИЗМАСИ

(Марварид Тут марказида бўлган Бош Султон Мақбараси, Гул Масжид, Чуичиқ тепалиги ва 7 та қўрғоннинг туташма муҳофоза сеткаси график харита-схемаси).

4. ТЕХНИК-ТАВСИФИЙ ВА МОРФОЛОГИК ТАҲЛИЛ

№ 466-лаҳаднинг марказий ички қисмидан топилган ашёвий далиллар (СН-003 мажмуаси) минтақадаги юксак илмий-технологик ривожланишни кўрсатади.



4-расм. № 466-лаҳаднинг ички тузилиш архитектоникаси ва СН-003 комплекси жойлашув нуқтаси график чизмаси
Реестр Идентификация Коди: ЛХ-Схема/466 (№ 466-лаҳадни қазиш жараёнидаги меъморий тузилиши ва топилманинг локализация схемаси).



5-расм. Жойида метрологик фиксация қилиш тасвири
Реестр Идентификация Коди: МТ-Ўлчов/03 (Қадимий сопол ашёлар ва қувур парчаларини миллиметрли археологик линейка ёрдамида жойида ўлчаш ва техник параметрларини қайд этиш жараёни).

- **Сак амири микро-санами (Код: СН-003):** Қизил гелли лойдан ишланган, учли қалпоқли Сак амири микро-ҳайкалчаси (4x3 см; вазни: 4.6 грамм). Бундай микро-ҳажмда ҳарбий анжомларнинг аниқ акс эттирилиши милоддан аввалги I минг йилликда Турон заминида кулолчилик ва микро-пластика санъати юксак бўлганини исботлайди. Бу Соҳибқирон Амир Темурнинг: “Биз ким, мулку Турон... туркнинг бош бўғинимиз” деган сиёсий-тарихий сўзларининг энг қадимги моддий-ашёвий исботидир.
- **Мовий сирли сопол чироқдон (Код: СН-003-О1):** Кобальт ва ложувард асосидаги ноёб мовий сир (глазурь) билан қопланган ясси чироқдон (12.5x2 см).

Ундаги асрий олов тутуни излари ушбу ашёнинг Мулки Турон амирларининг ҳарбий-сиёсий кенгашларида ва сакрал маросимларида амалий қўлланилганини кўрсатади.

- **Мелиорация кубашалари (Код: CH-003-O2):** Ташқи диаметри 150 мм, девор қалинлиги 1.5 см бўлган, юқори атмосфера босимига чидамли қизил гилли сув қувури парчаси. Бу Чўмпоқ еттинчи қўрғони ҳудудида қадимда юксак муҳандислик инфратузилмаси ва ёпиқ гидротехник тизим мавжуд бўлганини тасдиқлайди.



6-расм. Сак амири микро-санами ва ашёвий мажмуаси таблоси Реестр Идентификация Коди: CH-003 (Санам), CH-003-O1 (Чироқдон). Венчик, хумча ва Сак-Қавчин уруғ тамғали айлана сополи акс этган 5 та квадрантли умумий планшет сурати.

- **Қўрғонтепа ноёб топилмалари:** Олий мафкуравий қалқон ҳисобланган Қўрғонтепа марказидан 2 м 20 см қияликда кўк тусли одамсимон санам ва 6 минг йиллик тарихга эга, оқ мармар-гранитдан ишланган «Она ва бола» тасвири (орқасида учар от ва бургут акс этган Хўжабош ота мероси) топилган (мажмуада жами 7 та санам мавжуд). Тепада Етти ўғиз-қавм туғининг таянч тоши жойлашган бўлиб, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз мўғуллар устига юришдан олдин айнан шу ерда қўшин билан саф тортиб қасамёд қилган.

5. МУҲОКАМА ВА КОНЦЕПТУАЛ МАНИФЕСТ

Чўмпоқ қўрғони атрофидан топилган тош санамлар ва қадимий меҳнат қуроллари ҳудуддаги ижтимоий маданият илдизлари Нуҳ алайҳиссалом давридан бошланувчи силсилага уланиб, энеолит ва бронза давригача бориб тақалишини англатади. Мазкур ашёвий далиллар скифлар (сака-массагетлар) афсонавий эл эмас, балки ҳозирги туркий ўзбек халқларининг бевосита маҳаллий, туб аждодлари эканлигини қатъий ҳақиқатга айлантиради.

Антик давр юнон манбаларида (Арриан, Квинт Курций Руф) Искандар Зулқарнайнга қарши Спитамен бошчилигидаги халқ озодлик ҳаракати марказларидан бири сифатида тилга олинган "Габза" (Gabazae) манзили — айнан мана шу «Чўмпоқ етти қўрғони» мажмуаси эканлиги гео-тарихий жиҳатдан исботланди. Бу эса Искандар қўшинларининг айнан шу ҳудуд мудофаачилари томонидан стратегик мағлубиятга учратилгани ҳақидаги янги илмий хулосани яратади. Салоҳиддин Тошкандийнинг “Темурнома жангномаси” асари (312-бет) асосида "Барлос" атамасининг ҳарбий-

этимологик маъноси — “қиличини қинига солмаганлар” эканлиги ҳамда Кўҳна Ҳузор қавми “Чин” (Ички ўғиз) қабилалар эли тизимининг тарихий уюшмаси эканлиги, яъни “Чин — бу Турк” концепцияси маҳаллий илдизларни тасдиқлайди. Чор Россияси истилоси ҳамда Совет даврининг Ленин-Сталин мафкураси томонидан амалга оширилган тизимли “геноцид ва маданий репрессия сиёсати” натижасида ҳудуднинг асл тарихий ўзлиги атайлаб йўқ қилинишга уринилган. Мазкур асар ушбу "қора тугунлар"ни бутунлай ечади.

6. ХУЛОСА ВА МУҲОФАЗА ТАЛАБЛАРИ

Катта Чўғуртма — "Етти қўрғонли Чўмпоқ" манзилини ва аждодлар меросини ер юзидан сидириб ташлашга, уларни хусусий томорқа сифатида вайрон қилишга бўлган ҳар қандай уриниш — маданий геноцид ва тарихий жиноятдир. Маданий мерос агентлиги ва Самарқанд археология институти масъулларининг ушбу ноёб топилмаларни инкор etishi амалдаги қонунчиликка (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 208-моддаси) зиддир. Археологик меросларни кўчирмасдан, In-situ (жойида сақлаш) халқаро тамойили асосида муҳофоза қилиш шарт.

Тарихий ҳақиқатни таъминлаш учун муаллиф томонидан «Чўғуртма Археология Халқ Музейи» Низоми тақдим этилади:

1. **«Олтин Дафтар» тизими:** 20 йил давомида тўпланган ҳамда бундан кейин топилажак ашёларни музей фондига топширган маҳаллий аҳоли ва аждодлар номи музей тўридаги «Олтин Дафтар»га ҳамда ташқаридаги муҳташам Тош Лавҳага олтин ҳарфлар билан абадий муҳрланади.

III. РАСМИЙ СУРАТЛАР ВА ИЛОВАЛАР БЛОКИ



7-расм. «Кўҳна Ҳузор — Чўғуртма сувлоти» Ҳазрат Турк-Чин мероси муқаддас тут дарахтлари мажмуаси

Объект коди: ДТ-ТУТ/04. Чўғуртма МФЙ, Хўжабош ота мажмуаси теграсида жойлашган, халқ орасида "Ҳазрат Турк-Чин туморлари" деб юритиладиган кўҳна муқаддас ўн икки асрлик тут дарахти пойида тадқиқотчи Х. Соатов ва соҳа мутахассислари иштирокида эко-тарихий ўлчов-кузатув олиб бориш ҳамда маданий мерос объектларини фиксация қилиш жараёни тасвири.



8-расм. «Кўҳна Ҳузор» тарихий манзили ва Бош Султон мақбараси тепалиги (Мақола матнидаги ГИС-триангуляция нуқталари асосида Бош Султон Мақбараси ва ер ости даҳмаси жойлашган, усти тупроқ билан яширилган қадимий султонлик мажмуаси ва атрофида олиб борилган дала-қидирув ишлари жараёни тасвири).



9-расм. Хўжабош ота сиймоси ва маҳаллий тасаввуф анъаналари мероси (Кўҳна Ҳузор воҳаси Чўғуртма МФЙ ҳудудидаги маънавий-маърифий ва сиёсий-мафкуравий қалқон ҳисобланган,манзилни қирқ йиллик мужовури раҳматли Холбой бобо Ашуров ва бошқа халқ хотирасида ва оғзаки тарих манбаларида сақланиб қолган муқаддас аждодлар силсиласи сиймоси).



10-11 расм. «Ҳожабош ота хобгоҳи» қадимий рамзий тожсимон гипли коса

Илова рақами: Илова №14 (CH-0010-O1 кодли ёндош объектга доир)

- **Визуал ҳолат:** Тасаввуф ва Туркистон султонлари меъморчилик анъаналарига хос бўлган, четлари нафис ўйма учбурчак ва тишли гултожсимон шаклда йўнилган, маркази ботиқ, оддий гипсдан қўлда ясалган табаррук коса иншоотининг марказий экспозицияси визуал тасдиқланган.
- **Моддий ва Архив далиллари кафолати:** Мазкур объект CH-0010 кодли қизил мармар Чўмпоқ тумори ва «Чумпак амири косаси» тарихий концепцияси билан бевосита мантиқий занжирни тўлдиради. 1941 йилда мақбара гумбазини таъмирлаганликлари учун, Жўраев Соат бобо ва мироб Ҳасанов Ўрин боболар улар совет тоталитар тизими ва НКВД/МГБ органлари томонидан қатағон қилиниб,”Чумпак амири косаси” мусодора этилган Кармана қамоқхонасига сургун

этилган ва маданий геноцид қурбони бўлишган. Ушбу топилма уларнинг тарихий адолатини қонуний верификация этади. Мусодара этилган “Чумпак амири косаси ўрнига 1968– йилда наманганлик усталар ва Холбой мужаввур хотираси ҳамда маҳалий фидоилар тамонидан қабр устига қайта тикланган кўп қиррали оқ гипли тожсимон идиш хотира ёдгорлиги ясалган (10-11 сурат ишчи гуруҳ урганиш жарёни.)

- **Илмий-Мафкуравий аҳамияти:** Мазкур тожсимон гипли коса аждодларимизда улуғ аждодлар руҳи билан мулоқот воситаси сифатида қабр устига сут солиб қўйиш удумлари мавжуд бўлганлигини исботлайди. Бу ҳужжат совет тузуми халқимиз онгини манқуртлаштириш учун қавми- чин бош буғуни “Амири Туркистон” қабр зиёратгоҳини йуқ қилишга ҳатто таъмирлаганларни қатоғон этганлиги .!959 йилда” утган улўғлар чилла-сақлаган” кавакли қуриган марварид қадимий тутни ёқиб юборилиши ...,,таьсирида ҳозирга қадар бу азиз зиёротгоҳ маҳаллий даражада эътибор топмаётганлигини фош этувчи олий Манифестдир.



12-расм. Хўжа Абулайс Гул Жоме масжиди ички айвонида тадқиқотчи Х. Соатов томонидан қадимий ёғоч устундаги Сак-Қавчин уруғ тамғаларини экспертиза қилиш жараёни

Илова рақами: Илова №22 (CH-0010-O5 кодли ёндош объектга доир) Объект номи: «Қавчин Эли Жоме мероси» Хўжа Абулайс устун тамғалари ва Турк-Чин тирик ёдгорликлари муҳофазаси.

- **Тасвир мазмуни ва Эпиграфик-Юридик верификация:** Масжиднинг кўп асрлик табиий ёғоч устуни, унинг пастки йўғонлашган қатламида қадимги туркий қавмларнинг руний ёзув усулида ўйилган геометрик тамға излари ва орқа фондаги анъанавий меҳробсимон арка деворлари қурилиши визуал тасдиқланган. Аҳоли томонидан ўз маблағлари ҳисобидан "артезиан қудуғи" қаздириб, муқаддас марварид тутларни сақлаб қолишга урунишаётгани, бироқ Маданий мерос агентлиги масъулларининг пассив муносабати «Халқ сўзи» (xs.uz/uzkr/137636) мақоласи ва Муҳтарам Президентимизнинг 30.04.2026 йилги ПҚ-161-сонли қарори доирасида қонуний верификация қилинган.
- **Илмий-Сиёсий аҳамияти:** Ушбу устун тамғалари CH-0010 кодли Чўмпоқ тумори, муқаддас гипли коса ва ер ости даҳмасимаги қора либосли сипоҳлар феномени билан бир бутун узлуксиз занжирни ташкил этади. Тангалардаги руний битикларнинг масжид устунларида ҳам такрорланиши ҳудуднинг азалдан мустақил Туркий давлатчилик ва юксак маданият маркази бўлганини исботлайди. Мазкур кузатув вараға Муаллиф Х. Соатовнинг интеллектуал мулкини ҳимоя қилиб,

масъулларнинг масъулиятсизлигини тўхтатиш, ҳудудга зудлик билан давлат муҳофазаси мақомини бериш ва ЮНЕСКО (UNESCO) халқаро

- йилномасига киритиш учун олий юридик қалқондир


MUALLIFLIK HUQUQI OBYEKTLARINI DEPONENTLASH TO'G'RISIDAGI

GUVOHNOMA

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI HUZURIDAGI «INTELLEKTUAL MULK MARKAZI» DAVLAT MUASSASASI

№ 010553

Ushbu hujjat orqali «KO'HNA HUZOR – KO'HNA TURON YURAGI» nomli ilmiy-ommabop va tarixiy-topografik tadqiqot loyihasi — mualliflik huquqi obyekti sifatida deponentlash uchun taqdim etilgani tasdiqlanadi. Muallifning o'z arizasida ko'rsatishicha, mazkur obyektning mualliflik huquqi Soatov Xalil Kudratovich (100%) hisoblanadi.

Muallifning arizasiga ko'ra, mazkur mualliflik huquqi obyekti uchun mutlaq huquqlar faqat yuqorida qayd etilgan shaxsga tegishlidir.

Soatov Xalil Kudratovich tasdiqlashicha, yuqorida keltirilgan mualliflik huquqi obyektini yaratishda uchinchi shaxslarning huquqlari buzilmagan.

Reestrga 2026 yil «13» iyulda 010553-raqam bilan Toshkent shahrida kiritilgan.

Direktor o'rinbosari S.A. Raxmanov

- .

13-расм. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Интеллектуал мулк маркази» томонидан берилган № 010553-сонли Давлат муаллифлик гувоҳномаси

(Тадқиқотчи Х. Соатовнинг «Кўҳна Ҳузор — Кўҳна Турон юраги» номли бадиий-оммабоп ва тарихий-топографик тадқиқот қўлёзмаси лойиҳаси интеллектуал мулки давлат томонидан 100% ҳимояланганини кўрсатувчи бош расмий ҳужжат).

IV. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Соатов Х. Қ. Кўҳна Ҳузор — Кўҳна Турон юраги (Илмий тадқиқот қўлёзмаси, нашрга тайёрланмоқда). — Тошкент-Ғузор, 2026. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат муаллифлик ҳуқуқи сертификати: № 010553).
2. Соатов Х. Қ. Чўғуртма сувлоти азал сирлари // Илм-фан хабарномаси (Science Bulletin). — Тошкент, 2025. — Vol. 10, Issue 1 (Oktyabr). — Б. 969–980.
3. Райимқулов А. Жанубий Сўғднинг антик ва илк ўрта асрлар мудофаа тизими ва қалъалари (Археологик тадқиқотлар) // Ўзбекистон археологияси. — Самарқанд, 2018. — № 2. — Б. 18–29.
4. Райимқулов А. Қашқадарё воҳасининг VIII-XIV асрлар даври шаҳарлари ва тарихий топографияси (Монография). — Тошкент: Очил нашриёти, 2025.й.434-б.
5. Райимқулов А. А., Аванесов А. Г. Қашқадарё воҳасининг қадимги ва ўрта асрлар маданий ёдгорликлари ГИС-хариталаштириш муаммолари // Илмий тадқиқотлар ахборотномаси. — Самарқанд, 2021. — № 4. — Б. 67–74.
6. Салоҳиддин Тошкандий. Темурнома жангномаси. — Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. — Б. 312.
7. Соатов Х. Қ. Соҳибқирон Амир Темур ва Қаршилик халоскори Қавчин эли сўфийси ҳамда Кешликларга дахлдор Чўғуртма манзили қора тугунли сирлари // Фундаментал тадқиқотлар журнали. — Тошкент, 2024. — 11-жилд, № 2. — Б. 19–32.

8. Соатов Х. Қ. Мозий қаъридаги чин Субоҳи аждодлар саси // Фундаментал тадқиқотлар журнали. — Тошкент, 2024. — 11-жилд, № 2. — Б. 140–149.
9. Соатов Х. Қ. Кўҳна Ҳузор Чўғуртма қавмлари Саклар ибодатхонаси — оламни мунаввар этган аждодлар ёғдуси (Унутилган тарихий маданиятларимизнинг қайта кашф этилиши) // Ta’lim va Rivojlanish Tahlili Onlayn Ilmiy Jurnali. — 2024. — Жилд 04, Нашр 05 (May). — ISSN 2181-2624.
10. Соатов Х. Қ. Қавми чин эли хожаси марвариду-туморлари забони шевасидаги Чўғуртма манзили // Ijtimoiy Fanlarda Innovasiya Onlayn Ilmiy Jurnali. — 2025. — Жилд 05, Нашр 01 (Yanvar). — ISSN 2181-2594.
11. Соатов Х. Қ. Ғузор воҳаси “Чўғуртма” манзилидаги скиф-сака шоҳи даврига оид “қора тугунли” тарихий сирларни илмий ўрганиш ва муҳофаза қилиш ортидаги туризм истиқболлари // Илм-фан хабарномаси (Science Bulletin). — Тошкент, 2026. — Vol. 12, Issue 2 (Mart). — Б. 504–523.
12. Соатов Х. Қ. Самарқанд — Гўри Амир мақбараси ва Кўҳна Ҳузор — Қавчин Эли — Чўғуртма сувлоти — Чўғуртма “Етти ўғиз бош Амир қўрғонлари ва мозори”, «Сталин сиёсати», «Қора тугунлари», «Йўқотилаётган Турон хазинаси» // Илм-фан хабарномаси (Science Bulletin). — Тошкент, 2026. — Vol. 13, No. 2 (13-May).
13. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги ЎРҚ-269-сонли Қонуни, 18-модда // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.
14. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. 208-модда (Мансабга совуққонлик билан қараш) // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. "Маданий мерос соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2026 йил 30 апрелдаги ПҚ-161-сонли Қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
16. Бартольд В. В. Сочинения по исторической географии и истории Средней Азии. Том 1-2. — Москва: Наука, 1963–1968.
17. Лунина С. Б. Города Южного Согда в VIII-XII вв. — Ташкент: Фан, 1984.
18. Arrian (Flavius Arrianus). Anabasis Alexandri (The Campaigns of Alexander). Book IV: The Siege of Gabaza. — Harvard University Press, 1976.
19. In-situ Conservation and Management of Archaeological Sites. UNESCO World Heritage Operational Guidelines. — Paris, 2021.
20. Köprülü F. Türk Tarih-i Dinîsi (Турк динлари тарихи). — Ankara: Türk Tarih Kurumu, 2004.!